



2025 йил 8 август, 161-сон

ЖАРАЁН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

БАХТ ФОРМУЛАСИНИ ЯРАТМОҚДА

Аёллар тадбиркорлиги

Бошланиши 1-бетда

— Келгусида Амударё туманидаги ҳар бир маҳаллада сут, нон ва ун маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш бўйича сифатли хизмат кўрсатадиган шохобчалар очмоқчимиз. Бу бир тарафдан аҳолига қўлайлик бўлса, бошқа тарафдан янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади, — дейди тадбиркор аёл. — Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, йод танқислигининг олдини олиш мақсадида йодланган функционал ун маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу ҳам айтишга арзғулик ютуқларимиздан.

Бугун Дилдора Ҳайитбоева сингари меҳнатсевар, фидойи тадбиркорлар туфайли Қорақалпоғистон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар

жадаллашмоқда. Улар жамиятнинг ҳар бир қатламга, айниқса, аёллар ва ёшлар ҳаётига янги йўналиш, янги имконият олиб кираётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий, психоло-



“Мангит омад савдо” корхонасига қарашли 12 гектар майдонда барпо этилган узумзорда боғбонлар серхосил навларни етиштираётган бўлса, “Аму тўлқин балиғи” корхонасининг 10 гектар олмасори ва 6 гектар ўрикзоридан мўл ҳосил олинаётган. Мевани ҳўл ҳолатда ва қуритиб сақлаш, аҳоли эҳтиёжидан ортинини ички бозорга йўналтириш ҳамда экспорт қилишга ҳозирлик қўрилган. Шу билан бирга, ушбу корхонада балиқчилик ҳам йўлга қўйилган.

гик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Қарорга кўра, “Аёллар дафтари”га киритилган ҳар бир аёл-қиз билан тизимли ишлаш, қизиқиш ва интилишларини рағбатлантириш орқали ижтимоий фаоллигини ошириш ҳудудлардаги оила ва хотин-қизлар бўлимларининг вазифасига айланган. Бу борада Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг “Иқтисодий мустақилликдан ижтимоий фаровонлик сари” ташаббуси доирасида қатор амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ушбу ташаббус доирасида Амударё тумани оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан қилинаётган манзилли ишлар туфайли қўллаб-қувватлаш ҳаётида ўз ўрнини

топиб, нафақат ўзининг, балки қийин вазиятга тушиб қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож маҳалладошларининг ҳам доимий даромад манбаига эга бўлишига қўмак бераётир.

Ана шундай хотин-қизлардан бири Холимбег овулида истиқомат қилаётган Насиба Собирова. У 2021 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Ўзидagi ишонч, билим ва имкониятларга таянган ҳолда туман оила ва хотин-қизлар бўлимнинг қўллаб-қувватлови билан 10 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Тўғри, аввалига бир оз қийналди. Тадбиркорликни бошлаш учун махсус жой ажратиш ва жиҳозлаш каби бир қарашда оддий туюладиган жараёнлар ҳам силлиқ кечмади. Замонавий тикув машинасини олиб келиб ўрнатгач, иши юришиб кетди. Айни пайтда у тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, оилавий корхона ташкил этди ва доимий даромад манбаига эга бўлди.

— 2025 йил бошида “Аёллар дафтари”га киритилган эдим. Мазкур рўйхатдан



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



чиқиш ва мустақил тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 10 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан тикув машинаси сотиб олдим, — дейди тумандаги Тошбег овулида яшовчи Шаҳодат Юсупова. — Шундай қилиб тикувчиликни бошлаб юбордим. Ҳозир ҳамқишлоқларимнинг буюртмаси асосида ишлаб, мустақил пул топишман.

Амударёлик Феруза Тожибоева эса 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиш орқали бир неча маҳалладошнинг доимий бандлигини таъминлади.

Туман хотин-қизлари учун фермерлик ҳам бегона эмас. Хусусан, мева ҳамда узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари талайгина. Жумладан, Чойқўл овулидаги “Аму анорлари” корхонаси намуна бўлиб келмоқда. Корхона барпо этган 8 гектар богда анорнинг маҳаллий иқлим шароитига мос навлари яратилмоқда. Шунингдек, анор кўчатлари Қорақалпоғистоннинг ўзгарувчан об-ҳавосига мослаштириляётир.

Мазкур богда етиштириляётган анор ҳосили туман аҳолисининг эҳтиёжини таъминлашдан ташқари қўшни ҳудудлар бозорига ҳам етказиб берилляпти.

“Мангит омад савдо” корхонасига қарашли 12 гектар майдонда барпо этилган узумзорда боғбонлар серхосил навларни етиштираётган бўлса, “Аму тўлқин балиғи” корхонасининг 10 гектар олмасори ва 6 гектар ўрикзоридан мўл ҳосил олинаётган. Мевани ҳўл ҳолатда ва қуритиб сақлаш, аҳоли эҳтиёжидан ортинини ички бозорга йўналтириш ҳамда экспорт қилишга ҳозирлик қўрилган. Шу билан бирга, ушбу корхонада балиқчилик ҳам йўлга қўйилган.

Ҳозир Амударё туманида богдорчилик ва узумчилик бўйича 61 та қишлоқ хўжалиғи корхонаси фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий ер майдони 1046 гектар. Шундан 641 гектари ҳосилдор, 405 гектари эса янгидан барпо этилган боглар.

Жорий йил баҳор мавсумида фермер ва қишлоқ хўжалиғи корхоналари томонидан 76 гектар майдонда интенсив бог барпо этилди. Туманда богдорчилик йўналишига қизиқувчи фаол ёшлар кўпайиб, ишсизларни бандликка жалб этиш бўйича тизимли ўзгаришлар қилинмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қарор ва ижро

Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳияти тобора юксалиб бораётган. Бу ердаги замонавий технологияли корхоналар нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Термиз шаҳридаги донни қайта ишлаш ва ун маҳсулоти ишлаб чиқариш корхонаси шулардан бири. Мамлакатимиз ун саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган корхонада бугун 100 дан ортиқ маҳаллий мутахассис иш билан таъминланган.

— Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий саноатни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар сабаб фаолиятимиз самарали бўлмоқда, — дейди корхона бош технологи Аббос Бўриев. — Заводимиз 2019 йилда Туркиянинг етакчи компанияси етказиб берган технологиялар асосида тўлиқ модернизация қилинди.

Технологик линиялар суткасига 300 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Бу нафақат ҳажми, балки маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш самардорлиги ва энергия тежамкорлигига ҳам юқори кўрсаткичга сабаб бўляпти. Заводда оли, биринчи, иккинчи ва учинчи навли ун ишлаб чиқарилади. Дон қабул қилиш, тозалаш, майдалаш, элаклаш ва қадоқлаш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган. Натижада ишланган маҳсулотнинг минимал аралашуви орқали сифат қаролатиланади.

— Ҳозир корхонамизда ишлаб чиқарилган ун Афғонистон, Тожикистон каби қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Яқин истиқболда экспорт жүрғузиясини янада кенгайтиришни кўзда тутганмиз, — дейди Аббос Бўриев.

Президентимизнинг жорий йил 18 апрелдаги “Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сисъати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони экспорт жараёнини янада соддалаштириш, унда иштирок этаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш учун зарур божхона ва сертификатлаш жараёни анча қискарди. Электрон тизимлар орқали расмийлаштириш тезлашди. Бу эса ишлаб чиқарувчи учун вақт ва маблағни тежаш, маҳсулотни тезкор юбориш имконини берди. Мазкур фармонда транспорт ва логистика харажатларини қисман қоплаб бериш, экс-



ТЎРТ ТАЯНЧ БИР НУҚТАДА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ, ИШБИЛАРМОНЛИК ТАШАББУСИ ВА ДАВЛАТ КЎМАГИ

портга мўлжалланган корхоналарга кредитлар, субсидиялар ажратиш каби чоралар ҳам кўзда тутилган.

Сурхондарёлик тадбиркорлар бу имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоят корхоналари томонидан 140 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Қараёнда вилоятдан 170 та корхона фаол қатнашган. Шулардан 70 таси саноат давом этмоқда, — дейди Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассиси Адолат Мўминова. — Малайзия, Перу, Мўғулистон, Сингапур, Кувейт, Умон, Саудия Арабистони каби янги давлатлар бозори ўзлаштирилди. Натижада жами 1752,4 минг долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилди.

Термиз шаҳридаги “Brighty mega water” масъулияти чекланган жамияти галганган ва табиий шарбат ишлаб чиқаради. 2017 йилдан бери фаолият юритаётган корхона мисолида ҳам юқори даражадаги ўзгаришларни кўриш

мумкин. Фаолиятини бор-йўғи бир турдаги қадоқланган сув билан бошлаган корхона бугун 50 дан ортиқ турдаги табиий мева шарбати ишлаб чиқармоқда. Колаверса, корхона салқин кофе маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қиймати 400 минг долларлик лойиҳани амалга оширмоқда. Йил якунигача янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, қўшимча 20 та иш ўрни яратилди.

— Анор, узум, киви, ананас, шафтоли, ўрик ва бошқа қўллаб-қувватлаш таъйинланган шарбатлар замонавий технология асосида қадоқланади. Шу боис, у табиийлиги ва сифатини сақлаб қолади. Бугун корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулотлар нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорда ҳам харадор-гир. Қозғистон, Афғонистон, Тожикистон ва Покистон билан тузилган экспорт шартномалари бунга яққол мисол, — дейди корхона иш бошқарувчиси Озодбек Абдухалилов.

Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг январь-июнь ойларида 132,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш белгиланган эди. Амалда 140 миллион долларлик экспорт қилинди.

Сурхондарёнинг чегара ҳудудларидан бири бўлган Музработ туманида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Натижада туман қиёфаси ҳам, ҳудуднинг иқтисодий ҳолати ҳам янада яхшиланиб бормоқда. Илгари бирмунча сокин ва фақат қишлоқ хўжалиғи билан танилган мазкур ҳудуд бугун

ишлаб чиқариш корхоналари марказига айланиб бораётган.

Янги лойиҳалар, ишга тушириляётган корхоналар, кичик саноат зоналари туфайли иш ўринлари яратилмоқда, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи янада фаровонлашмоқда. Бугун Музработдаги ҳар бир корхона фаолияти нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорлар учун ҳам юқори қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Айни пайтда туманда 256 та саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Улардан 2 таси йирик, 254 таси эса кичик ва оилавий корхонадир. Уларда минглаб аҳоли ишлашляпти. Экспорт салоҳиятига эга бўлган ишлаб чиқариш қувватлари Музработ тумани иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Музработдаги Орият маҳалласида фаолият бошлаган завод юқори сифатли асфальт ишлаб чиқариб, йўлларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш ишларини жадаллаштирди. Бу эса ҳудудда транспорт оқимини яхшилаш, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир қилляпти. Маҳсулотлар маҳаллий хомашё асосида тайёрланиши эса ишлаб чиқариш харажатларини камайтирмоқда.

— Корхонамизда умумий қиймати 13 миллиард 550 миллион сўмлик лойиҳа асосида 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шу тариқа туманимизда ишсизликни камайтиришга ҳисса қўшляпмиз. Бу ерда тайёрланаётган асфальт замон талабига тўлиқ жавоб

берадиган, экологик тоза маҳсулот, — дейди корхона иш бошқарувчиси Шермурод Сухмонов. — Маҳсулотни бошқа туманларга ҳам етказиб бериш эвазига ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Амударё қирғоғидаги Музработ тумани асрлар давомида шолчилик билан машҳур бўлган. Бу ернинг серхосил tupроғи, мўътадил иқлими шол етиштириш учун қўлай. Шу имкониятдан фойдаланиб, тумандаги Фидокор маҳалласида “Сувон Омонтурли” шолини қайта ишлаш заводи ташкил этилди. Завод йил давомида узлуқсиз фаолият юритиб, деҳқонлар томонидан олиб келинган шолини замонавий технология линияларда қайта ишляйди.

— Замонавий технология асосида сараланган, тозаланган шол ишлаб чиқаришнинг сўнгги босқичида сифатли гуручга айланади. У нафақат маҳаллий бозор, балки бошқа вилоят ҳамда қўшни давлатларга ҳам етказиб берилмоқда. Заводимиз фаолияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Қўзлаб ёшлар ишли бўлган, — дейди “Сувон Омонтурли” хусусий корхонаси раҳбари Зокир Сувонов. — Корхонамизда гуруч унidan экологик тоза макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бунинг учун хомашё озиқ-овқат хавфсизлиғи талабига тўла мос ҳолда пухта назоратдан ўтказилади. Макаронлар нафақат глотенсизлиғи, балки енгил ҳазм бўлиши, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Канал ва зовурлар ҳамда дарё бўйларидан қамаш энг кўп ўсади. Кеч кузга бориб,

у ўсишдан тўхтади ва сарғайиб, қурийди. Азалдан бошқа жойларда бўлгани каби Музработ ҳам қамашдан одамлар янги қурилган иморатларнинг устини ёпиш учун қисман фойдаланади. Унинг гул попуғи эса ҳар хил хашаротлар қишлаш учун қўлай ин вазифасини ўтайди. Шу боис, деҳқон ва боғбонлар зараркундалар тухумига қирон келтириш мақсадида қамашзорларга ўт қўяди. Мана, салкам 7-8 йилдирки, Сурхон воҳисида қамаш ва қамашзорлар ёндирилмайди. Боиси, ҳудуд тадбиркорлари томонидан ушбу ўсимликдан сифатли қурилиш ҳамда мебелбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Музработ туманидаги тадбиркорлик субъектимиз томонидан майдаланган қамашдан ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқарилди. Бу лойиҳа доирасида йиллик 150 минг куб метр плита ишлаб чиқарилмоқда. Айни вақтда бу ерда 110 дан ортиқ иш ўрни ҳам яратилган, — дейди муҳандис Аббос Набиев. — Аввал қамашга фойдасиз ўсимлик деб қараганмиз. Шу сабаб ёзда уни ёқардик ёки қандай бўлмасин уни йўқотиш пайига тушардик. Бугун эса бу фикр, қарашлар ўзгарди. Олинаётган даромад ва ҳодимлар топаётган фойда туфайли иш кўламини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Майдаланган қамаш хомашёсидан қамашли ва ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 19 миллион доллар. Шундан 7 миллион долларни хорижий инвестиция саналади. Корхона Хитойнинг 7 миллион долларлик замонавий технологик ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда ишлаб чиқариляётган маҳсулотларнинг 30 фоизи ички бозорга, 70 фоизи экспортга йўналтирилади. Ишлаб чиқариш линияси тўла қувватда ишласа, йилга 2 миллион 500 минг долларлик маҳсулотни экспортга чиқариб, 2 миллион долларлик импортни камайтиришга эришилади.

Вилоятда саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бундай юқори суръатлар билан ўсишида янги корхоналарнинг ишга туширилиши, мавжудларидан модернизация, техник ва технология жиҳатдан янгилаш ишлари амалга ошириляётгани муҳим омил бўлмоқда.

Сифатли маҳсулот, замонавий технология, ишбилармонлик ташаббуси ва муҳими, давлат кўмағи. Бу тўрт омил бирлашганда, ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар, албатта, жаҳон бозорларида муносиб ўрин топади. Юртимизда эса ушбу жараёндаги тизимли ёндашув, ҳуқуқий қабул ва давлат томонидан яратилёган шароит эса Президентимизнинг “Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сисъати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан янада мустаҳкамланмоқда.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАФАККУР МУСТАҚИЛЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАСИ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР



Нозлия НОРМУРОВА,
филология фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Бу курашда ғолиб бўлиш учун нафақат сиёсий, балки руҳий мустақилликка ҳам эришиш шарт. Яъни йиллар давомида онгимизга сингдирилган боқимандалик кайфиятидан, “юқоридан буйруқ бўлади” қабилида ишлаш одатидан бутунлай воз кечиб, ҳар биримиз ўз ўрнимизда ташаббускор ва масъулиятли бўлишимиз ҳаётий заруратга айланди. Че-гараларни дахлсиз сақлаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мумкин, аммо миллатнинг онги, руҳияти, маънавий олами-ни ташқи таъсирлардан, ёт ғоялардан асраш, уни соғлом ва кучли сақлаш энг мураккаб ва айнаи дамба энг шарафли вазифадир.

Чунки бутунги глобаллашув замонида мафкуравий курашлар ахборот майдонла-рида, кўзга кўринмас жабҳаларда кечаётир. Смартфонга жойланган бутун дунё бир тутма билан хонадонимизга кириб келмоқда. Бу, бир томондан, чексиз имкониятлар эшиги бўлса, иккинчи томондан, оқибати тўла англама-ган таҳдидлардир. Оқни қорадан, эъзулгани ёвузликдан, ҳақиқатни ёлгондан ажратиш ҳар қачонгидан ҳам қийинлашди. “Оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган маънавийтсизлик, индивидуализм, истемолчи-лик кайфияти, тарихни сохталаштиришга

уринишлар, ёшларимиз онгини эгаллашга қаратилган ғаразли кучлар — буларнинг барча-си миллатимизнинг маънавий иммунитетини синовдан ўтказмоқда. Маънавий иммунитет-ни шакллантирадиган энг биринчи ва муқад-дас қалъа эса оиладир. Давлатимиз, мактабларимиз, умуман, жамиятимиз қанча ҳаракат қилмасин, агар оилада болага ватанини севиш, каттага ҳурмат, кичikka иззат, ҳалол ва ҳаром-нинг фарқи ўргатилмас экан, барча саъй-ҳа-ракатлар бесамав кетиши мумкин. Миллатнинг соғлом генофонди оилада шаклланидиган, унинг маънавий саломатлиги ҳам айнан оила кўрғонига тарбияланади. Бу курашда қалқон ҳам, қурол ҳам инсоннинг тафаккури, эътиқо-ди ва маънавий иммунитетидир. Агар инсон-нинг қалбида ўз ватанига, халқига, қадрият-ларига меҳр мустаҳкам бўлмаса, ҳар қандай жозибали, аммо пуч ғоя уни ўз домига тортиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун маънавий мустақиллик миллий хавфсизликнинг ажрал-мас қисмидир.

Шуқри, миллий ўзлгимизни англаш ва мустаҳкамлаш масаласига ҳамisha давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида қараб келинади. Бу шунчаки баландпарвоз шиор эмас, балки аниқ амалий ҳаракатларда ўз исботини топаётган ҳаётий ҳақиқатдир. Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанси пойдево-рини куришдек улугвор мақсад замирида ҳам айнан маънавий юксалиш, маърифатли жамия-ят барпо этиш ғояси мужассам. Бу ғоя замири-да бундай чуқур фалсафа ётибди: биз шунчаки ўтмиш билан мақтанибгина қолмаймиз, балки ўтмишнинг қудратли заминига таяниб, кела-жакка дадил боришни мақсад қилганмиз.

Бугун дунё микёсида глобаллашувнинг бир хил андозалари билан бирга миллий ўзига хосликни сақлаб қолишга, ўз қадри-ятларини қайта кашф этишга интилиш ку-чаймоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз



жаҳондаги ана шу соғлом тенденцияга тўла мос келади. Яъни ўзини дунёдан ажратиш эмас, аксинча, дунё цивилизациялари хилма-хиллигига ўз муносиб ҳиссасини қўиш истагидир. Зеро, ўзлгига эга миллатгина бошқа маданиятларни тўғри қабул қила ола-ди ва улар билан тенг ҳуқуқли мулоқотга ки-ради. Биринчи Ренессанс Шарқ илм-фанини дунёга танитган бўлса, иккинчиси теурий-лар даврида давлатчилик, илм-фан ва мада-ниятни юксак чўққиларга кўтарди. Бугунги Учинчи Ренессансининг вазифаси эса янги Ўзбекистонни жаҳоннинг рақобатбардош, инновацион ва маърифатли давлатлари қа-торига олиб чиқишдир. Бу ўзига ишонмаган, ўзлгини англамаган миллатнинг қўлидан келмайди. Шунинг учун ўзликни англаш шунчаки маданий таъбир эмас, миллатни кел-лажақдаги буюк доовонларга тайёрлашнинг стратегик босқичидир.

Халқимизнинг минг йиллик донишманд-лиги, буюк аждодларимизнинг бебаҳо мери-си бугун қайта кашф этилмоқда. Имом Бу-хорий, Имом Термизий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларнинг номлари шунча-ки тарихий шахслар сифатида эмас, балки бугунги ва келажақ авлод учун маънавий маёк, ибрат мактаби сифатида тарғиб қили-наётгани бежиз эмас. Уларнинг нодир асар-лари нафақат ўзбек тилида, балки хорижий тилларда ҳам нашр этилиб, жаҳон илм-фани хазинасига қайтарилмоқда. Бу ўзбек номли миллатнинг интеллектуал салохияти нақа-дар юксак бўлганини бутун дунёга кўрсатиш билан бирга ўзимизга, айниқса, ёшларимиз-га ғурур ва ишонч бағишлайди.

Ушбу жараёнда, табиийки, энг кат-та масъулият ва вазифа биз — зиёлилар, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари

зиммасига тушади. Биз ўзимизни ҳақли ра-вишда “маънавият посбонлари” деб атар эканмиз, бугунги куннинг ўзи бу номга му-носиб бўлишни, шунчаки кузатувчи эмас, балки жараёнларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускори ва йўлбошчиси бўлишни тала-б қилмоқда. Зиёли сўзи зиё — нур тара-туви маъносини англатади. Демак, бизнинг бурчимиз жамиятга, айниқса, ёшлар онгига маърифат зиёсини таратиш, уларни жаҳолат зулматидан асрашдир.

Зиёлилар билан бир қаторда санъат ва адабиёт аҳлининг ҳам роли бекиёс. Ада-биёт, театр, кино, musiқа — булар миллат қалбнинг кўзгуси, унинг орзу-умидлари, дарду қувончлари ифодасидир. Бугун бизга шундай асарлар керакки, улар ёшларимизни эзгу амалларга илҳомлантирсин, уларда ва-танпарварлик туйғусини юксалтирсин, айнаи пайтда жамиятимиздаги муаммоларни ҳам рўйи рост кўрсатиб, ечим излашга ундасин.

Зиёлилар билан бир қаторда санъат ва адабиёт аҳлининг ҳам роли бекиёс. Ада-биёт, театр, кино, musiқа — булар миллат қалбнинг кўзгуси, унинг орзу-умидлари, дарду қувончлари ифодасидир. Бугун бизга шундай асарлар керакки, улар ёшларимизни эзгу амалларга илҳомлантирсин, уларда ва-танпарварлик туйғусини юксалтирсин, айнаи пайтда жамиятимиздаги муаммоларни ҳам рўйи рост кўрсатиб, ечим излашга ундасин.

Саломатлик

ТИББИЁТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

ЖИЗЗАХЛИКЛАР СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАМНУН

Хар қандай жамият ривожининг пойдевори соғлом инсондир. Шу боис, юртимизда аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Буни сўнгги йилларда тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги янги босқичга олиб чиқилганида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, тиббий сугурта тизими жорий этила бошланди. Бу тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, соҳани шифоф ва самарали молиялашти-ришдаги муҳим ислохотдир. Тизим доираси-да аҳоли оилавий шифокор хизматидан тор-тиб скрининг, профилактика, диагностика ва ҳатто мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун йўланмани текин олади. Яъни барча харажат давлат тиббий сугуртаси ҳисобидан қопланади. Унинг афзалликлари алақачон минглаб беморлар ҳаётида намоён бўлмоқда.

— Уч ой олдин йўлда бирдан мазам бўл-май қолди, — дейди Мирзачўл тумани Ян-гидала маҳалласида ашайдиган Шоди Отаев.

— Таксини тўғри тез тиббий ёрдам бўли-мига йўналтирдим. Текширувлардан сўнг зудлик билан жонлантириш бўлимига ётқи-зишди. Кичик инсулът ўтказибман. Қарийб

бир ҳафта доволандим. Шифокор юрагимга стент қўйишни маслаҳат берди. Стент қў-йиш қиммати янги билангим учун “Ўғлим фермер, деҳқончилик маҳсулотлари пиша, ўшанда қўйсам бўладим?” деб маслаҳат сўрадим. Шифокор эса энди пулни ўйлашга ҳожаат йўқлиги, барчаси текин эканини айт-ди. Аввалига кўнглимни кўтариш учун ҳа-зил қилди деб ўйладим. Кейин тушунтирдим. Жарроҳлик амалиёти аслида пулли бўлиши, фақат бунинг пулини Давлат тиббий сугур-та жамгармаси тўла беришини, агар рози бўлсам, ҳужжатларимни Республика ихти-сослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалига онлайн юборишини, қой бўлиши билан улар теле-фон қилиб жамгаримни тушунтирди. Жон деб рози бўлдим. Шифокор айтганидек, бир ҳафта ўтмай, Жиззахга қақиршиди. Бир

текширувлардан ўтдим. Иккинчи куни юра-гимга стент қўйилди. Жарроҳлик амалиёти яхши ўтди. Ҳаммаси бепул қилинди. Ши-фохондан чиқётганимда ўғлим жарроҳ-лик амалиёти ўтказган врачга пул бермоқчи бўлди. Давлатдан ойлик олиямиз, етади деб олмади. Тўғриси, хурсандлигимдан кўзимга ёш келди. Инсон қадри улугланаётган янги Ўзбекистондаги ислохотларни ўз тақди-римда ҳис этдим.

Қасбим тақозоси туфайли ва ОАВ орқали давлат тиббий сугурта тизими афзалликла-рига оид кўп маълумотлар, қолаверса, Шоди бобоники каби тақдирлар билан таниш эдим. Аммо тўғриси, Шоди бобони “Янги Ўзбекистон ислохотларини ўз тақдиримда ҳис этдим”, деган эътирофидан қувондим. Бобонинг диққатини тортган яна бир гапи шифокорнинг пул олмагани бўлди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тиббиёт ходимлари ҳам етарлича маош оляпти. Ғаллаорол тумани тиббиёти фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Яқиндан бошлаб тиббиётимизда яна бир катта ислохотга қўл урилди. Тажриба си-фатида республикамизнинг 15 та туман ва шаҳрида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели жорий қилинмоқда. Ушбу модель биринчилардан бўлиб Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида тажриба-синов тариқасида жорий этилди. Янги тизимни ишга тушириш жараёнлари-да қатнашдик. Унинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик. Қувонар-лиси, янги тизим шифокорларга 20 миллион сўмдан зиёд, ўрта тиббий ходимларига 12 миллион сўмгача ойлик олиш имкониятини беради.

— Президентимизнинг 2025 йил 19 май-даги “Республикада соғлиқни сақлаш тизи-мини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамоийиларини такомиллаштириш орқали соҳани ислох қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, бирламчи тиббий-санитария ёрда-ми муассасалари фаолияти тубдан янгилан-моқда, — дейди Ғаллаорол тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Хуршид Саидов. — Туманимизда 23 та оилавий поликлиника ва уларнинг 6 та филиали тўлиқ таъмирланди.

Улар замонавий жиҳозлар билан таъминлан-ди ва фаолияти қайта йўлга қўйилди. Бу муассасалардан 5 таси иккинчи типдаги, 18 таси биринчи типдаги поликлиника ҳи-собланади. Тизимдаги бу ўзгаришлар шакл янгиланишигина эмас. Мақсад, моҳият ўз-гарди. Шу асосда туманимиз бўйича 69 та тиббий бригада ташкил этилди. Қарийб бир ярим минг шифокор ва ҳамширанинг билим, кўникмаси оширилди. Аҳолига хизмат кў-рсатишда оилавий шифокорларнинг улуши 70 фоизгача кўтарилиб, соғлиқни сақлаш тизи-ми рақамлаштирилди. Натижада қоғозбо-злик камайди. Тиббиёт ходимлари иш юкла-маси 30 фоизгача қисқарди. Янги тизимда тиббиёт ходимларига яхши асосланган маош ва устамалар жорий этилди — шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларига юқори фоизли устама, сайёр хизмат ва КРП асосида қўшим-ча тўловлар белгиланган. Натижада оилавий шифокорларнинг ойлик иш ҳақи тўрт мил-лион сўмдан 6,5 миллионга, қўшимча уста-малар жорий қилиниши натижасида 20 мил-лион сўмга етди. Ўрта тиббиёт ходимлари эса қўшимча устамалар билан жами 12 миллион сўмгача маош оляпти. Ўз навбатида, оилавий поликлиника шифокорлари ва ҳамширалар-нинг масъулияти ҳам ошди. Энди улар ўзига бириктирилган маҳаллада қанча бемор бор, улар қандай касалликлардан азият чеқмоқда, юрак-кон томир, қандли диабет, онкологик ёки нафас йўллари хасталикларидан жабр

кўраётганлар сони қанча, улардан нечтасига доимий дори-дармон зарур, қанчаси юқори технологияли тиббий амалиётларга муҳтож, шунингдек, ҳомилалар аёллар, ногиронлар, қақалоқли оилалар каби тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож ғуруҳлар кимлардан иборат, деган саволлар жавобини ёддан билиши за-рур. Бугун улар мана шундай маълумотлар-нинг электрон базасини яратмоқда.

Энди оилавий поликлиникадаги брига-далар ўз ҳудудда яшовчи ҳар бир оиланинг тиббий ҳолатини тўлиқ билиш керак. Ҳозир мана шу тиббий харитани яратиш учун маълумотлар йиғилмоқда. Бу фақат статистик маълумот эмас, балки ҳар бир беморга аниқ ва самарали ёрдам кўрсатишнинг асосий шартларидан бирига айланади.

Чунки аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати айнан шу маълумотларга асосланган ҳолда баҳоланади. Агар шифокор ва ҳамшира ўз ҳудуддаги аҳолининг тиббий ҳолати, ҳавф омиллари, юқумли ва ўткир касалликлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаса, унда улар томонидан кўрсатилаёт-ган хизмат самарасиз бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг бу шифокордан норозилигига, бошқа оилавий шифокорни эркин танлашига олиб келади.

Муҳими, энди шифокор ва тиббиёт ходимларининг ойлик маоши ҳам улар-нинг хизмат сифати, аҳоли розилиги ва амалий натижаларга боғлиқ. Демак, ишини

бера олсак, ўйлайманки, ўз бурчимизни ба-жараётган бўламиз.

Мустақиллик байрами фақат шодиёна, тантана ва дам олиш куни эмас. У айнаи вақт-да ҳар биримиз учун ўзига хос сарҳисоб ай-ёмига айланиши айнаи муддаодир. Ҳар бири-миз, қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, ўтган бир йил давомида ўзимизга бир саволни беришимиз лозим: “Мен ватаним мустақиллигини мустаҳкамлаш, қудратини ошириш учун нима қилдим? Ўз соҳамда, иш жойимда, маҳалламда, оиламда бу улуг ғояга қандай ҳисса қўшдим?”. Бу савол биз-ни хушёрликка қақиради, лоқайдлик ва бе-парволикдан йироқ бўлишга ундайди. Ушбу саволга топилган виждоний жавоб, ҳатто у жуда камтарона бўлса ҳам, бизнинг келгуси фаолиятимиз учун дастуруламал бўлиб хиз-мат қилиши даркор. Балки кимдир янги бир иш ўрни яратгандир, балки кимдир биргина шогирдига ҳалолликдан сабоқ бергандир, яна кимдир ўз маҳалласи ободлиги учун жон куйдиргандир — ана шу кичик амаллардан катта ватанпарварлик ясалади.

Ахир ватанпарварлик касб танламайди. У баландпарвоз нутқлар ёки кўракка уриш-ларда эмас, балки ҳар кунлик фидокорона ва ҳалол меҳнатда намоён бўлади. Ўз ишини ҳа-лол ва сидқидилдан бажараётган деҳқон ҳам, беморга шифо улашаётган шифокор ҳам, ёш авлодга билим бераётган ўқитувчи ҳам, янги иш ўринлари яратаётган тадбиркор ҳам, ва-тан сарҳадларини кўз қорачиғидек асраётган ҳарбий хизматчи ҳам — уларнинг барчаси мустақиллик кўрғонига ўз гиштини қўётган бунёдкор инсонлардир. Унутмаслик керакки, маънавият ва иқтисодиёт бир-бирига чам-барчас боғлиқ тушуналардир. Буни давла-тимиз раҳбари ҳам ўз чиқишларида бот-бот таъкидлайди.

Дарҳақиқат, ҳалоллик, адолат, ўзаро ишонч, сўзида туриш каби маънавий қадри-ятлар кучли бўлган жамиятда иқтисодиёт ҳам жадал ривожланади. Чунки бундай жой-га инвестиция ҳам ишонч билан кириб кела-ди, ишбилармонлик муҳити соғлом бўлади, коррупцияга ўрин қолмайди. Демак, маъна-вийтимизни юксалтиришимиз айнаи пайтда ватанимиз иқтисодий қудратини ҳам оши-ришга қўшилган улкан ҳиссадир. Касббининг устаси бўлиш, ишига виждонан ёндашиш, коррупция ва тамагирлик каби иллатларга муросасиз бўлиш — мана шулар бугунги куннинг ҳақиқий қаҳрамонлиги ва чина-кам ватанпарварлиги. Ҳар бир инсоннинг ўз ўрнида адолат учун кураши, қонунларга ҳурмати, ўзганинг ҳақиқа хийнат қилмасли-ги адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга қўшилган бекиёс ҳисса. Давлатни ичдан емирувчи энг катта хавф адолатсизлик ва лоқайдликдир. Ҳар бир фуқаро ўз ўрнида ана шу иллатларга қарши турар экан, у мус-тақиллик душманларига қарши курашаётган аскарга айланади. Бу йўлда эса маънавий бирлик ва тафаккур яқдрилигидан кучлироқ қудрат йўқ.

сидқидилдан бажараётган тиббиёт ходими қўшимча моддий рағбатга эга бўлади.

Бу тизим аҳолининг ҳам масъулиятини оширади. Фуқаролар белгиланган вақтда профилактик кўриклар, скрининглар ва тек-ширувлардан ўттиши, ўз соғлиғига бефарқ бўлмаслиги лозим. Бу орқали касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика самарадорли-ги ортади.

Яна бир муҳим ютуқ шундаки, янги тизим туфайли энди фуқаролар бир турдаги таҳ-лилларни турли муассасаларда қайта-қайта топиришдан озод бўлади. Маълумотлар ягона электрон базага киритилиб, барча да-ражадаги тиббиёт муассасалари томонидан кўрилади ва фойдаланилади. Бу эса вақт ва маблагни тежаб, беморларни оворагарчилик-дан ҳалос этади.

Бугун Ғаллаоролда тиббий хизмат кўрс-атишдаги бу янгиланган ҳали кўнглик хабардор эмас. Аммо тиббиёт муассасалари-га бораётганлар қандай жиҳдий ўзгаришлар бўлаётганини сезишмоқда.

— Президентимиз раислигида 7 май куни тиббиётнинг бирламчи бўлини ва ихтисос-лашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтқа-зилган видеоселектор йиғилишида тумани-миздаги “Қашқабулоқ” МФЙдаги оилавий поликлиника танқид қилинган эди, — дей-ди меҳнат фахрийси Абдуғуфур Норкулов. — Бугун ушбу муассасанинг очилиш маро-симида қатнашиб, ҳар жиҳатдан намунали шифо масканига айланганига ғувоҳ бўлдим. Эски, таъмирталаб бўлган бинолар ўрнида тоза, замонавий жиҳозлар билан таъминлан-ган, кенг ва шинам хоналарга эга поликли-ника фаолият юратяпти. Айниқса, тиббиёт ходимларининг беморларга муносабати ўз-гарганидан мамнун бўлдим. Олдин поликли-никада шифокорлар етарли эмасди. Шунинг учун кишлоқ аҳолиси касал бўлса, туман ёки вилоят марказига боришарди. Ҳозир ҳамма мутахассислар, керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Одамлар овора бўлиб туман ёки вилоят марказига бормай, шу ерга муурожаат қилмоқда. Демак, одамлар рози.

Абдуғуфур Норкулов ҳам зиёли фуқа-раларнинг ҳаётий кузатувлари ислохотлар-нинг қозғошда эмас, ҳаётда самара бергани-ни кўрсатади. Бу фикрлар шунчаки шахсий таассурот эмас, балки мамлакат микёсида-ги ўзгаришларнинг аҳоли орасида қандай ижобий қабул қилинаётганининг реал тас-виридир.

Ахволи анча абгор бўлган муассасада яхши ўзгаришлар бўлибдими, демак, бошқа-ларида бундан да яхшироқ. Синов тариқси-да жорий этилаётган ушбу янги тизим Ғал-лаоролда самара бермоқда. Бундай ташаббус вақти келиб бутун Ўзбекистонга кенг жорий этилади. Ушбу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад тиббий хизматда кишлоқ ва шаҳар ўртасида фарқ қолмаслигига, пиرو-вардига одамларни тиббиётдан рози қилиш-га эришишдир.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқаро тажрибада маданий индустрияга иқтисодийнинг муҳим тармоғи сифатида қаралади. Жаҳон банки маълумотлари айрим давлатларда бу соҳадаги улуш ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил қилаётганини кўрсатади. Мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишни ривожлантириш орқали экспорт, туризм салоҳиятини ошириш, иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор берилаётгани шундан. Айниқса, сўнгги йилларда маданий дипломатия мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ўлароқ, жадал равишда топаетир.

Дунё мамлакатлари маданият соҳасини самарали бошқариш учун замонавий институционал моделларни кенг қўллаётган бир пайтда Ўзбекистон ўз тараққиёт стратегиясида маданият ва санъатни барқарор ривожлантириш сиёсатини давом эттириётгани замонавий давлатчиликнинг муҳим ютуғи дейиш мумкин. Зеро, бутунги кун кишиларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжи тинимсиз ортиб бораётгани маданият соҳасида илгор хорижий тажрибаларни қўллашни тақозо этипти. Шу маънода, давлатимиз раҳбари жорий йил 28 июль куни маданият ва санъат соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, хунармандликни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдими билан танишар экан, масъулларга соҳада илгор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий этиш бўйича вазифалар берди. Тақдимот бўлиб ўтган кунни маданият ва санъат соҳаси яна учта муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасини абадийлаштириш, унинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Миллий ва жаҳон мусиқа санъати ютуқларини халқимиз орасида кенг тарғиб қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев хотирасини абадийлаштириш ва унинг ижодий мактаби аъёнларини муносиб давом эттиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлар билан бойиди. Мазкур ҳужжатлар берилган таклифлар ва истиқболдаги режаларни амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Маданият ва санъат, хунармандлик соҳаси бир гуруҳ вакиллари билан шулар ҳусусида фикр алмашдик.

ЭСТРАДАМИЗ ЭРТАСИ УЧУН ИМКОНИАТ ЭШНИКЛАРИ ОЧИЛДИ



Авазбек МАНСУРОВ,
Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти ректори, профессор, композитор:
— Яқинда Искандар эстрада қўшиқчилиги йўналишида туртинчи марта ўтказилган халқаро нуфузли танловда хайрат азоси сифатида иштирок этганимда, биз ҳам шундай танловлардан андоза олиб, бундан-да чиройли ташкил қила олишимизни, Ўзбек мусиқий эстрадаси донгини дунёга янада кенгроқ ёйишимиз мумкинлигини ўйлагандим. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасини абадийлаштириш, унинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор Ботир Зокиров

номини янада улуғлаш, қилган ишларини давом эттириш йўлидаги муҳим дастуруламал бўлиши баробарида эстрадамизнинг кўлаб умидли вакилларини кашф этишимизга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунончи, 2026 йилдан ҳар 2 йилда 1 марта айнан мусиқий эстрада қўшиқчилиги бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ўтказиб борилиш кўзда тутилди. Фестиваль кўринишида тўғридан тўғри телевидение каналлари орқали бутун дунёга узатиладиган, тингловчи-томошабинлар иштирокида ўтказиладиган бу ижодий лойиҳадан миллионлаб, балки ундан-да кўп қизиқувчилар баҳраманд бўлади деб ўйлайман. Насиб қилса, ушбу танлов эстрада йўлидан бораётган кўлаб иқтидорли ёшларга ўзини намоян этиши учун имкон берадиган платформа ҳам бўлади. Маданият ва санъат соҳасида бошқарув ҳамда молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимот қилинган пайтда Президентимиз томонидан берилган топшириқ, таклиф ва ҳулосалардан келиб чиқиб, биз, устозлар ҳозирдаёқ истиқболли режалар, эришиладиган натижалар — юксак марраларни кўзлай бошладик. Институтиимизнинг бакалавр босқичини муваффақиятли тамомлаб, нафақат ижрочилик маҳоратини ўстирмоқчи қўлаётган, балки илм қилмоқчи бўлаётган ёшлар магистратура босқичида ўқиб, керак бўлса, хорижда магистр даражасини олиб, мусиқий эстрадамиз ривожига муносиб ҳисса қўшади деган яхши ниятда турибмиз.

Ботир Зокиров номидаги давлат стипендияси таъсис этилишига келадиган бўлсак, бу ўз вақтида ўйланган эзу ишлардан бири бўлди. Зеро, эстрада соҳасида ҳам давлат стипендияси бўлса

қани эди деб юрган ёшлар орзуларига етди. Энг яхши қўшиқчи, энг яхши созанда, санъатшунослар, эстрада асарлари яратётган композиторлар, илмий изланишларда натижаларга эришадиган мусиқашуно талабаларимиз бунга сазовор бўлиши мумкин. Замонавий жиҳозларда овоз ёзиб, бутун дунёга тарқатаётган овоз режиссёрларига айни стипендия насиб этар балки. Шунингдек, бизнинг талабаларимиз эмас, санъаткорнинг қўшиқларини кенг миқёсда ижро этадиган, эстрада мусиқаси тарғиботида ҳисса қўшишга ҳаракат қилаётган бошқа олийгоҳлар талабалари ҳам янги таъсис этилган стипендияга даъвогар бўла олади. Албатта, бунинг ижобий самарасини вақт кўрсатади. Мухими, мусиқий эстрадамиз ривожини йўлидаги ҳаракатларда яхши маънодаги рақобат муҳити яралади.

Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бадий фильм яратилиши, Тошкент шаҳрида Ботир Зокиров мемориал музейи ташкил этилиши эса нафақат талаба ёшлар, балки санъаткор ижодининг чин мухлисларига уни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Қисқача айтдиган бўлсак, бу ишларнинг бари санъат ва маданиятга ҳар қачонидан кўпроқ эътибор берилётганининг амалдори ифодасидир.

“

Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бадий фильм яратилиши, Тошкент шаҳрида Ботир Зокиров мемориал музейи ташкил этилиши эса нафақат талаба ёшлар, балки санъаткор ижодининг чин мухлисларига уни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

БУ ДАРГОХ ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИГА МУНОСИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЖАК

Шерзод ШАРИПОВ,
Маданият вазирлиги Таълим соҳасини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи:

Давлатимиз раҳбари Андижонга шу йилги таширифи чоғи вилот фаоллари билан ўтказган йиғилишида Шерали Жўраев хотирасини улуғлаш билан боғлиқ яхши бир таклифни илгари сурди. Президентимизга Андижон вилояти ихтисослашган санъат мактаби негизига Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактаби ташкил этилиши тақдимот қилинди. Унда нафақат андижонлик ёки водийлик, балки бутун ўзбекистонлик талабгор йигит-қизларнинг ўқиши учун 300 ўринли ётоқхона қурилади. Таълим дастурлари 3 йиллик бўлиб, олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналиши билан интеграцияланган. Олий мактабнинг иқтидорли битирувчилари орасидан сараланган 5 нафаргача ёш олийгоҳларга иштиёзли қабул қилинади. Қисқача айтганда, ўқитувчи ва ўқувчилар учун керакли барча шароитлар яратилди.

Ушбу ташаббус нафақат улуғ санъаткорнинг ўчмас хотирасини абадийлаштириш, балки унинг мусиқа оламида шакллантирган

бетақор ижодий мактаби, халқона услуби, миллий қўшиқчилик ва ижрочиликдаги ўзгача маҳоратини ёш авлод онгига сингдиришга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсатининг узвий давомидир. Зеро, Шерали Жўраев ўз ижоди билан фақатгина тингловчилар қалбида эмас, балки бутун халқнинг маънавий дунёсида ўчмас из қолдирган сиймо. Унинг қўшиқларида халқ оғзаки ижоди, миллий маком ва замонавий мусиқа элементлари ўй-ғун тарзда мужассамлашган бўлиб, у бадий салоҳият, миллий руҳ ва миллий ифтихорнинг ифодачиси сифатида кўпчилик учун ибрат намунасига айланган.

Шу маънода, бундай мактабнинг ташкил этилиши вилот миқёсида эмас, балки республика даражасида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, маданият ва санъат соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимидаги бўшлиқни тўлдириб, ижодий салоҳиятни намоян этиш, замонавий воситалар ёрдамида миллий санъатни жаҳон сахналарига олиб чиқишга замин яратади. Мазкур қарор ижроси орқали мамлакатимизда миллий қадриятлар асосида илгор таълим ислохотлари амалга оширилади, таълим билан маданият интеграцияси янада мустаҳкамланади.

Шубҳасиз, бу мактаб фақатгина таълим муассасаси сифатида эмас, балки миллий мусиқа меросимизни илмий тадқиқ этиш, оммалаштириш, методик асосда тарғиб этиш учун марказ вазифасини бажаради. Бу ерда ўқувчилар фақат ижрочилик маҳоратини эмас, балки санъатнинг маънавий, тарихий, фалсафий жиҳатлари бўйича ҳам чуқур билимга эга бўлади. Шерали Жўраев ижодига хос халқона руҳ, қалбдан сўзлаш қобилияти, оҳанг ва матн уйғунлиги, миллий ифоданинг теранлиги — барчаси бу таълим мактабининг илҳом манбаига айланади.



Бу эса ижтимоий капитал янги шаклда бойишга, интеллектуал салоҳият юксалишига хизмат қилади.

Хусусан, мактабда Шерали Жўраев мактаби аъёнларига таъйинланган ҳолда миллий репертуарни қайтадан жонлантириш, замонавий ижрочилик билан аъёнларий услубни уйғунлаштириш, халқаро сахнада миллий мусиқамизни муносиб намоян этиш сингари муҳим вазифалар бажарилади. Бу жараёнда халқаро ҳамкорлик кенгайтиш, чет эл мутахассисларини жалб этиш ва экспортроб мусиқа маҳсулотларини яратиш имкониятлари ҳам очилади.

Хулоса қилиб айтдиган бўлсак, Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактаби юртимизда ижод, тафаккур, маънавият ва миллий ғурур кўргонига айланади. У нафақат ўтмишдан қолган бую меросни сақлаш, шунингдек, янги мусиқа, янги тараннум, баркамол авлод яратиш йўлида хизмат қиладиган улутвор муассасадир.

МИЛЛИЙ ЧОЛГУЛАРИМИЗ ЖАҲОН САҲНАЛАРИГА ЧИҚСИН!

Исмоил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси миллий симфоник оркестри бадий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти:

— Давлатимиз раҳбарининг “Миллий ва жаҳон мусиқа санъати ютуқларини халқимиз орасида кенг тарғиб қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини биз, барча мусиқа аҳли илқ қабул қилдик. Зеро, қарор билан Ўзбекистон давлат филармонияси Фаргона вилояти бўлимида таркибида Фаргона миллий чолғулар оркестри, Фаргона симфоник оркестри ташкил этилади. Бу мамлакатимизда мусиқа санъатига бўлган юксак эътиборнинг амалий кўриниши.

Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ҳамда филармония таркибидаги 8 та профессионал оркестр фақат Тошкент шаҳрида, республика даражасидаги тадбирлардагина иштирок этиб келаётганди. Шу маънода, бундай оркестрларнинг жойларда ҳам ташкил қилиниши катта маданий воқеалик. Уларнинг керакли анжомлар билан таъминлиниши эса энг эзу ишлардан бири бўлади.

Тақдимот пайти давлатимиз раҳбари миллий ва жаҳон санъатининг сара асарларини аҳолига кенг етказиш, туман ва шаҳарларга гастроль сафарлари уюштириш зарурлигини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, янги оркестр нафақат Фаргона аҳлига хизмат қилиши, балки вилоятларга, халқ ичига кенгроқ кириб бориши керак. Чунончи, қарорда симфоник оркестр ва миллий чолғулар оркестрининг Фаргона шаҳридаги “Есо Сити” мажмуаси ҳудудидagi амфитеатрда, маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар кўп

таширф буюрадиган бошқа қулай жойларда концерт дастурлари ташкил этиб бориши ҳам белгилаб қўйилди. Бунинг учун керакли шароитлар яратиб берилади. Бу билан туризм ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиш мумкин. Чунки сайёҳларда қадриятларимиз қатори миллий мусиқамизга ҳам қизиқиш катта. Шу маънода, Фаргона симфоник оркестрини фақат республика миқёсида эмас, дунё бўйлаб танишларини истаймиз. Астойдил меҳнат қилинса, бунга албатта эришилади.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон давлат академик халқ чолғулари оркестримиз қаерга бормасин, ҳаммиса эътироф этилади. Чунки бизнинг миллий чолғуларимиз жуда кўп диалогли. Эндилкида унинг репертуарини бойитиб, жаҳон мусикаларини ҳам қамраб олишимиз, ёшларимизга миллий мусиқамизми баробарида тарғиб қилиб, дунёга кенгроқ очилишимиз керак. Бу борада биз, устозлар ёшларга беминнат маслаҳатларимизни бериб бурсак, мақсадга мувофиқ. Ўйлайманки, ана шунда улар ҳам бизга ўхшаб мусиқа қанотида дунё кезади.

Узоқ йиллардан буюн Ўзбекистон давлат академик халқ чолғулари оркестримиз қаерга бормасин, ҳаммиса эътироф этилади. Чунки бизнинг миллий чолғуларимиз жуда кўп диалогли. Эндилкида унинг репертуарини бойитиб, жаҳон мусикаларини ҳам қамраб олишимиз, ёшларимизга миллий мусиқамизми баробарида тарғиб қилиб, дунёга кенгроқ очилишимиз керак. Бу борада биз, устозлар ёшларга беминнат маслаҳатларимизни бериб бурсак, мақсадга мувофиқ. Ўйлайманки, ана шунда улар ҳам бизга ўхшаб мусиқа қанотида дунё кезади.

Расулжон МИРЗААХМЕДОВ,
“Хунарманд” уюшмаси раиси:

Хунармандликни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимотида давлатимиз раҳбари креатив иқтисодийнинг асосий йўналишларидан бири хунармандлик эканига уруғ бериб, бор салоҳиятимиз, имкониятларини ишга солиш зарурлигини таъкидлади. Айни пайтда бу борада олдимизга қўйилган вазифалар ижросига бел боғладик.

Креатив индустрия жуда кенг тушунча. Шу ўринда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида уюшмамиз раҳбарияти ва бир гуруҳ хунармандлар Таиланднинг креатив иқтисодиётини ўрганишимиз ҳусусида ороққўтхалиб ўтсам. Нега айнан Таиланд деган савол туғилиши мумкин. Чунки бу давлатнинг йўналиши бизга яқинроқ. У ерда билим даражаси, кўникмаси етарли бўлган ҳар бир хунарманд ҳам маркетинг, ҳам стратег бўлган халқаро тоифадаги дизайнерлар билан ишлайди. Бу орқали бозор ва хунарманд ўртасида кўпроқ ҳосил қилинади. Хунарманд ва дизайнерларга креатив марказлар, марказларда эса махсус кутубхоналар ташкил қилинган. Бозорга кириб бормоқчи бўлган хунарманд кутубхонага келиб, ўзига бириктирилган дизайнер билан биргаликда махсулотни қандай дизайнда тақдим этиш устиди ишлайди. Зеро, бозорда дизайн масаласи бирламчи.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам пойтахтдаги Хунарманд уюшмаси биносида Стартуп лойиҳалар ва инкубация марказини очдик. Марказда хунармандлар, дизайнер ва технололар учун керакли шароитлар яратилди. Бу ҳақда хунармандлар кенгроқ тушунчага эга бўлиш учун ўз босқичли стартуп лойиҳалар таълимини эълон қилдик. Экологик тоза, чиқиндисиз, сертификат



товар ёрлиғи ва QR-кодга эга бўлган маҳсулотлар муаллифларини муносиб тақдирлади. Асл мақсад сувенироп, сайёҳларга мос, экологик жиҳатдан тоза, стандартга жавоб берадиган янги маҳсулот яратиш эди. Қайсидир маънода бунга эришдик. Айтмоқчиманки, агар Таиланд тажрибаси мисолида биз ҳам креатив иқтисодий орқали хизматлар сифатини дунё даражасига етказиб, сайёҳларни кўпроқ жалб қилишимиз, албатта, инвестициядир.

Шу йилнинг 22-26 июль кунлари Дунё хунармандлари уюшмаси кенгаши президенти бошчилигидаги делегация Қўҳон ва Шаҳрихон шаҳарларига хунармандлик мақомини бериш учун Ўзбекистонга келди. Меҳмонлар хунармандларимиз билан мулоқот қилар экан, ҳар биридан, аввало, “Сен ҳақингдаги маълумотни қаердан оламан, каталогинг борми?” деб сўради. Президентимиз билан суҳбат чоғида

халқаро экспертларнинг айни саволига чиройли ечим берибди, десак хато бўлмайди. Эндилкида лидер хунармандлар бир платформага бириштирилса, Ўзбекистонга таширф буюрган ҳар бир чет эллик меҳмонда ундан фойдаланиш имкони бўлади. Демак, Ўзбекистонда ҳам хунармандларнинг ягона электрон платформаси бўлиши, унда маҳсулот ва унинг келиб чиқиш тарихи асб этиб туриши керак ҳамда бу кечиктириб бўлмайдиган иш.

Тақдимотда, шунингдек, Буюк Британия қиролик фонди билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида академик платформа яратиш режаларини айтилди. Платформада магистрлар тайёрлаш, тадқиқотлар ўтказиш, ўқув қўлланмалар жорий этиш орқали 3 мингдан зиёд иқтидорли хунарманд босқичма-босқич қамраб олинishi кўзда тутилди. Кейинчалик у амалий санъат

мактабига айлантирилиши ҳам ўз самарасини беради. Нуқсудаги яқин келажақда креатив кластерга айлантириладиган “Истиклол” боғида хунарманд ва дизайнерларга таълим берадиган Орол мактабини ташкил қилиш режаси эса соҳа ақамкорли фаворонлиги йўлидаги сайёҳаракатлардан бири сифатида қимматли.

Президентимиз сентябрь-ноябрь ойларида Бухорода бўлиб ўтадиган биринчи замонавий санъат биеналеси каби тадбирлар маданий туризм ривожига муҳим ўрин тутиши, бундай йирик анжуманларни юқори савияда ташкил қилиш кераклигини таъкидлади. Дарҳақиқат, сайёҳлик салоҳиятимизни оширишга кенг имкон берадиган ҳар қандай тадбирни шунчаки ташкил этиб бўлмайди. Зеро, бундай имкониятдан хунармандларимиз фойдаланиши шунчаки имкониятларини амалий манфаати — халқимизнинг манфаати.

Маданият, санъат ва миллий хунармандлигимиз фаоллари билан суҳбат чоғи айни соҳаларнинг ёруғ эртасига бўлган умидимиз ортди. Ҳар бир йўналиш доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиётган тизимли ишлар, янгича ёндашувлар мамлакатимиз учун кўп томонлама манфаатли бўлишига ишонч боғлиқ. Зеро, уларнинг ҳар бири ижронинг тўла-тўқис таъминланганини кўзда тутган ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланди. Бу ҳам бўлса, юқорида айтганимиздек, тараққиёт стратегиямизда маданият ва санъатни, хунармандлик ва у орқали туризмни барқарор ривожлантириш сиёсатида фаол эканимизнинг амалий ифодаси бўлди.

Саҳифани “Янги Ўзбекистон” мухбири Муножат МЎМИНОВА тайёрлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.